



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 2 (8988).

1987 йил

3 январь,

шанба

Баҳоси 3 тийин

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ИЛГАРИ «Тошкент ҳақиқати»да хабар қилинганда, 26 декабрда Тошкент об-
ласть партия комитети бюроси бўлиб, унда Габаба
ва Бўстонлиқ районларида атеист
кадрлар билан ишла-
лашнинг аҳоли муҳофазаси
қилинди.

Шу нарса таъкидландики, район партия комитетлари атеист кадрларни танлаш ва тайёрлаш, шунингдек умуман аҳоли ўртасида атеистик пропаганда олиб боришга етарли эътибор бермаётган. Партия ходимлари атеист кадрларни яхши билмайдилар, уларни қўллаб-қувватламайдилар ва уларга илмий атеистик бил-
димларни пропаганда қили-
лини яхшилашда, дин ва
диниий маросимларнинг
реакцион моҳияти ҳамда
зарарини фойда қилишда ме-
тод ердан қўсатмайдилар.

Атеистлар учун методо-
логик тавсиялар родини ба-
жаришга мўлжаллаб район
газеталари саҳифаларида
берилаётган купина мақо-
лалар паст савияда ёзилган,
айрим ноаниқликлари ва
камчиликлари бор. Бу,
жумладан Габаба райони-
нинг «Ленин йўли» газе-
тага таллуқлидир. Бироқ
Габаба район партия коми-
тетининг пропаганда ва агит-
тация бўлими райондаги
атеистик темада материаллар
ёзувчи ягона штатсиз мухбир
ва атеист атеистик иш олиб
борувчи Ғ. Р. Умарова ёр-
дам қўсатиш, у ва бошқа
атеистлар учун олимлар
нинг консультацияларини
ушатириш ўрнига район
партия комитети бюроси му-
ҳофазасига шундай масала-
ни киритдики, бироқ ўз қа-
рориди Ғ. Р. Умаров мақола-
ларидаги факат хатоларни
қайт қилиш ва унга партия-
вий жазо берди.

Бўстонлиқ район партия
комитети 30-мактаб ўқиту-
чиси Т. Рўзметовга лозим
даражада ёрдам бермади.
Унинг атеист атеистик
фаолияти тўғрисида мактаб
коллективда, у яшаб тур-
ган соҳада шубҳаланиш
ва ёмон муҳит таркиб топди.

Жамоатчи атеистларга
нисбатан эътиборсизлик,
уларга ҳар томонлама ёр-
дам қўсатиш ва қўллаб-
қувватлаш тўғрисида ғам-
хўрлик қилинмаётганини
Бўстонлиқ ва Габаба райо-
ларида диний сарқитлар ва
маросимларга қарши кураш-
нинг сусайишга, расмий ва
сохта руҳонийлар фаоли-
ятининг активлашишига
олиб келди.

Габаба ва Бўстонлиқ рай-
он партия комитетлари
бюрослари, секретарлар
Ҳолмиров ва Турдалиев
ўртоқларида районда атеист-
тик пропаганда ва атеистлар
билан ишлаш сўст йўлга
қўйилганини қўсатди.

Габаба район партия
комитетининг бюроси қа-
рори билан Ғ. Р. Умар-
овга берилган партия-
вий жазони олиб ташлаган
лиги ва унга атеистик би-
лимлар халқ университети
ректори ва район партия
комитети лекторлар гуру-
пининг аъзоси сифатида
атеистик иш олиб бориш-
да ёрдам қўсатилмагани-
ни, шунингдек, Бўстонлиқ
район партия комитети бю-
роси Ҳ. Ҷ. Турдалиевга ва рай-
он Совети ижроия коми-
тетининг меҳнаткашлар
атеистик фаолиятига эъти-
бор бермаганликлари ва уни
қўллаб-қувватлашга а н л и к-
лари ҳамда принципсизлик
қилганликлари учун комму-
нистлар О. Шоошупов, у 30-
мактаб директори лавозими-
дан овоз қилинди ва Қўш-
қўрғон қишлоқ Совети рай-
си Т. Муҳиддиновларга хи-
соб варақасига ёзиш шарти
билан виговор эълон қилин-
ганлиги эътиборга олинди.

Область партия комитети
бюроси район ва шаҳар

партия комитетлари зимма-
сига атеистик ишнинг ҳу-
жумкорлигини кучайтириш,
сохта руҳонийларнинг қо-
йунга хилоф фаолиятлари-
ни тўхтатиш, аҳоли турмуши-
га янги совет урф-одатлари
ва анъаналарини актив жо-
рий қилишга қаратилган
чоралар қўриш вазифасини
юкледи.

Область аҳолисини пойаб-
зал билан таъминлашнинг
аҳоли муҳофазаси қилинган-
да шу таъкидландики, пойаб-
зал корхоналарини техник
жиҳатдан қайта ускуналаш
бўйича қабул қилинган қар-
ор чораларга қарамай бун-
дай корхоналарнинг коллек-
тивлари, партия ташкилот-
лари, маъмуриятлари пой-
абзал асортименти ва си-
фатини яхшилаш, уни турли
группа аҳоли эҳтиёжлари-
ни ҳисобга олиб қўйайти-
риш бўйича ўз ишларини
ҳали ҳамон сўст қайта қў-
мондалар.

Тошкентдаги 1-пойабзал
фабрикаси 1986 йилда тех-
ник-иқтисодий қўсаткич-
ларнинг бирортаси бўйича
ҳам планини бажармади.
Корхонада қувватлардан
фойдаланиш даражаси па-
сайиб кетди, давлат интязо-
мининг қўпол бўлиш, қўбў-
мачилик қилиш ва қўбў-
ёшларга йўл қўйилди.

2-пойабзал фабрикасида
олдинги йилларда тайёрлан-
ган пойабзалнинг норматив-
дан ортқича тўпланиш қол-
ганлиги тўла реализация
қилишга қаратилган жара-
да қўрилмади. Бундай маҳсу-
лот ҳажми ҳа 2 миллион
сўмликдан ҳа ошиб кетди.

Пойабзал корхоналари
бежирим аёллар ва эриklar
пойабзалнинг ҳамда кекса
кишилар учун арзон, юм-
шоқ пойабзалларни нийот-
да кам тайёрламоқдалар.
Пойабзалларни браква чика-
риш ва сортини пасайтириш
проценти 1985 йилдаги
нисбатан ошди. Янгийул ва
Чирчиқ пойабзал фабрика-
лари ишлаб чиқараётган ва
бодалар учун мўлжаллан-
ган пойабзалнинг сифати
жуда сўст ахшиланмоқда,
асортименти ҳам сезилиш
билан кенгаймоқда.

Республика Енгил саноат
министрлиги ва «Ўзқон-
обушпром» бирлашмаси то-
монидан пойабзаллар ишлаб
чиқариш учун зарм товар-
ларини яхшилаш юзасидан
зарур чоралар қўрилмади.


Пойабзал корхоналарида
ишлаб чиқариш ва меҳнат
интязоми пастлигига қолмоқ-
да, ишчилар ва инженер-тех-
ник кадрларни тайёрлаш
ҳамда корхонада муҳим иш-
лашга етарли аҳамият
берилмапти, социал-маиш
масалаларини ҳал қилишга
ҳам кам эътибор берилмоқ-
да.

Тошкент шаҳар партия ко-
митети ва Фрунзе район пар-
тия комитети «Тошкентдаги
1-пойабзал фабрикаси раҳ-
барларини қаттиқ жазолаган-
ликлари, фабриканинг ди-
ректори вазифасини бажар-
увчи С. Г. Землинский
КПСС сафидан чиқарилган-
лиги ва лавозимидан озод
қилинганлигини эътиборга
олинди. Пойабзал фабрика-
лари-партия ташкилотларига
нуқсонларга йўл қўйилишида
айбдор бўлган бошқа ходим-
ларнинг партиявий жазо-
гарлигини қўриб қилиш то-
пирилди.

1- ва 2-пойабзал фабрика-
ларининг директорлари,
КПСС аъзолари А. Н. Мус-
тақимов ва А. А. Чибалин-
ларнинг эътиборини улар то-
монидан пойабзаллар сифа-
тини ошириш, унинг асорт-
иментини кенгайтириш, маҳ-
сулот етказиб бериш план-
ларини бажариш бўйича
етарли чоралар қўрилмаёт-
ганлигига қаратди.

Ўзбекистон ССР Енгил са-
ноат министрининг ўринбосари
Н. Н. Нормухамедовнинг
1987—1988 йилларда
областадаги пойабзал корхо-
наларига юксак унумли қував
агрегатлари, қолпога тортиш
асбоб-ускуналари ажрати-
лиши, қаттиқ ишлаб чиқариш-
ларчи техник жиҳатдан қай-
та ускуналаш амалига ошири-
лиши ҳақидаги ахбороти
эътиборга олинди.

ЙИЛ БОШИДАН ЗАРЬДОРЧАСИГА МЕХНАТ ҚИЛАЙЛИК!



— Биз ҳозир учинчи уз-
ликсиз заготовна қўйиш ма-
шинасидан ташқари бутун
бир комплексни ишга ту-
ширяпмиз. Ёқилги-мойлаш
насос станцияси, машинани
газ билан тозалаш ме-
ханизмлари шулар жумласи-
дандир. Қўрилиш бошлан-
ган дастлабки йилимиз бир
роз ваҳимага тушдик: бийо-
нинг карнасини тиклаш хий-
ла қўзғилиб кетди. Металл
конструкциялари етказиб бе-
риш кечикди. 1985 йили
бетиши лозим бўлган бийо
карнаси 1986 йилда битди.
Шунга қарамай ишчилари-
мизнинг фидокорона меҳ-
нати тўғрисида илгари бой
берилган муддат ҳам қўйиб
етилди: комплекс муддатига
ишга туширилди.

Бош инженернинг сўзлари-
га илова тарзида яна шунинг
таъкидлаш керакки, Бек-
обод шаҳри ўзининг шамо-
ли билан машхур. Бу ерда
йилининг 365 кундан 200 ку-
нида шамол ёсиб туради.
Шамолнинг тезлиги олти
баллга етганида янги секин-
дига 20 метр тезликда ёсиб
турса, монтажчилар ўз-ўзи



— Анави осма кранни
қўйишда, ўша кран ме-
талл эритиш печидан маши-
нага маҳсулот олиб келади,
— оператор Олег Пичугин
бизга машинанинг ишлаш
принципини ҳикоя қила бош-
лади. — 1500-1600 — дара-
жа иссиқ бўлган бу эритма-
дан 100 тоннаси қўмич бил-
лан айланма-қўтарма стенд
устига киргизилади. Сўнг
айланма-қўтарма стенд мах-
сус аравага уланади. Ара-
вададаги 320х250 радиаль
типдаги қўйиш тешигидан
эритма оқади. У катализатор-
дан ўтиб тайёр маҳсулот
ҳосил бўлади.

Учинчи машинани ишга
тушириш маросимига об-
ласть, шаҳар партия коми-
тетларининг масъул ходим-
лари келишган, ўнлаб қўри-
лиш ташкилотлари раҳбар-
лари, ишчилар тўпланиш-
ган. Завод маъмурияти шу
ерда Катта воқеанинг ишти-
рокчиси-туғуви бўлган ҳар
бир кишининг вужудига
ҳажон.

«Узэлектромонтаж» трес-
ти ишга тушириш-созлаш
бошқармасининг ишчиси
Мўминжон Маҳмудов билан
технологияни бошқариш
пунктига киришди. Бу кенг,
ёруғ хонадаги қўйлаб инди-
каторлар полни қўсатиб
турарди. Карнайда: «Печ-
дан эритма келпти», деган
товуш эшитилди.

— Бошланайти, — қўз-
лариди қувонч порлаб, жил-
майди М. Маҳмудов.
Пультада турган оператор-
ларнинг қўли-қўлига тегмай
қолди.

— Катализаторда сув
бор, — ахборот берди опе-
ратор Александр Пак.
— Аравача уланади.
Участкада турганларнинг
барчаси сўкутда.

— Ингитлар ҳалқонлан-
манлар, иллар яхши кет-
пти, — операторларга дал-
да берди смена бошлиғи
Марат Балиев.

— Босини қўлайтир-
манлар, 0,2 дан ошмасин,
опохлантирди участка
бошлиғи.

Шу пайт «мўжиза» рўй
берди: узун, ингичка кон-
вейердан тайёр пўлат эрит-
мачи оқа бошлади.

Участка бошлиғи Е. Су-
ханов пўлат оқётган томонга
ишора қилиб:

— Мана, учинчи машина-
нинг дастлабки маҳсулотини!
— дея соврин олган спорт-
чидай қўлини балайд қўтар-
ди.

Ҳамма бирдан чапак ча-
либ юборди. Ҳовиргина
ҳаммадан қўра ортқирқор
ҳалқонлаб маънос турган
корхона директори Ивал
Иванович Осиқов «Балли-
ей» деб оқорганини ўзи ҳам
сезмай қолди.

А. ҒУЛОМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

А. Зуфаров фотолари.

ЯНГИ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ РЕПОРТАЖИ БАЛЛИ, АЗАМАТЛАР!

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ БИЛАН ПЎЛАТ
ЭРИТИШ КОМПЛЕКСИДА ПЎЛАТНИ УЗЛУКСИЗ ҚЎЯДИГАН УЧИНЧИ МАШИНА ИШГА ТУШИРИЛДИ.


«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИДА
ҚУВВАТЛАР ИШГА ТУШИРИЛСИН».

(СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш
нинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача
бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари-
дан).

В. И. Ленин номли Ўзе-
кистон металлургия заводи-
дан бундан 40 йил бурун
дастлабки металл эритилган
эди. Бугун завод ветерани
Абдураҳмон Абдуразоқов
билан цехларни айланар
эканмиз, у корхонанинг ке-
ининги даврдаги тараққиёти
тўғрисида завқ-шавқ билан
ҳикоя қилади.

— Ишга нелганимга 16
йилдан ошибди, — эслайди
А. Абдуразоқов, — дастлаб
узлуksиз заготовна қўйиш
қўрилмасида оператор бў-
либ ишлардим. Йиллар ўтиб
техника тараққий этиб, ян-
ги-янги машиналар бунёдга
келди. Улар ишлаб чиқариш
унумдорлигини ошириш
билан бирга қўл меҳнатини
анча енгиллаштирди.

Ҳа, корхонада меҳнат
унумдорлигини ўстириш,
маҳсулот сифатини яхши-
лаш, қўл меҳнатини меҳани-
зациялаш борасида талай-
гина ишлар қилинди. Ана
шундай ташкилий-техника-



вий тадбирлардан бири
1978 йилда амалга оширил-
ганди. Ушанда Ўрта Осиё
металлургия заводлари ичи-
да биринчи бўлиб бу ерда
узлуksиз заготовна қўйиш
машинаси ишга туширилди.
Бир йил ўтар-ўтмас бу ма-
шинанинг иккинчиси фойда-
ланишга топширилди. Улар
электр қуввати билан пўлат
эритиш комплексига ишлаб
чиқарилган маҳсулотни
тайёр хом ашё ҳолига кел-
тирди.

— Мана, учинчи машина
ҳам ўз муддатига ишга
тушганди, — деди корхона
партия ташкилоты секретари-
нинг ўринбосари Илхом
Қўрбонов. — Сўзлар йил-
лининг сўнгги кунларида
машинанинг ишга тушиши
биз учун қўш байрамдир.

— Учинчи машинани ло-
йиҳага қўра ўттиз ойда қў-
риб фойдаланишга топшири-
шимиз керак эди, — суҳ-
батга қўшилди завод капи-
тал қўрилиш бошқармаси

дан ишни батамом тўхтата-
дилар. Бунақа кунлар ҳам
сероб бўлди.

— Учинчи машина бирин-
чи ва иккинчиларидан, қо-
лаверса, ўтмишдашларидан
нимаси билан фарқ қили-
ди? — узлуksиз заготов-
на қўйиш участкаси бошлиғи
Е. Сухановни саволга
тутдик.

— Орск Жанубий Урал ма-
шинасозлик заводида чиқар-
илган бу машиналар Орск-
Халиловский ва Оскольский
металлургия комбинатлари-
да муваффақият билан
ишлаб турипти. Бизнинг
бу учинчи машина қолган-
ларидан айланма қўтарма
стендининг, кристаллизатор-
лар, машинанинг радиаль
қисмлари, совутиш система-
си, шламларни йиғиш ме-
ханизмларининг анча тақомил-
лашганлиги билан фарқ
қилади. Аввалги машиналар-
нинг оғирлиги 3 минг тонна
бўлса, учинчисиники 2 минг
580 тоннага ташкил этади.

Узлуksиз заготовна қў-
йиш машинаси участкасига
одамлар тўплана бошлади.
Ғала-говур қўтарилиб ишчи-
ларнинг қўли-қўлига тегмай
қолди.

БОҒЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

«СРЕДАЗУГОЛЬ» бир-
лашмасига қарашли Ўрта
Чирчиқ районидagi «Гор-
няк» совхозининг 3-бўлими-
да сурункасига 4—5 йилдан
буён давлатга узум ва ме-
ва сотиш планлари бажар-
илмай қолди. Хўжалик раҳ-
барлари ва мутахассислари
бунинг сабабларини ўрган-
дилар. Кекса боғбонлар бил-
ан суҳбатлашдилар.

— Бўлимимизда сўнгги
йилларда кадрлар кўнимсиз-
лиги кучайиб кетди, —
деди кекса боғбон Собир
ака Гойибов. — Шунинг
учун 1980—1981 йилларда
ҳар гектаридан 160—170
центнердан ҳосил олинган,
36 гектар ердаги узумзор-

ўринга чорва учун озунча
экилди. Ҳар гектар ердан
463 центнердан силосбот қўч
масса йиғилтириб олинди.
8 гектар ердаги узумзордан
эса 112 тонна узум топши-
рилди. Ҳамма соҳадаг план-
лар ошириб бажарилди.

— Халқимизда боғни боқ-
санг боғ бўлади, деган нақл
бор, — деди бўлим бошқа-
рувчиси. — Бу бекиз айтил-
маган. Асли соҳибкор қиш-
нинг чилласида ҳам парвар-
ишни тўхтатадилар. Биз айти-
лиш кунларида боғларга рҳоб
суви бераяпмиз. Қолган 28
гектар ерга ҳам узумнинг
«Каттақўрғон», «Эчкизар»,
«Хўсайин», «Ҳасайин» ва
бошқа серҳосил навларининг
қўчатларини ўтказдик.

П. ТОЖИБЕВ.

ОТРЯДЛАР ХАРАКАТДА

қоқлик билан борапти. Бун-
да ташкил этилган отряд-
ларнинг самараси катта бўл-
моқда.

Ҳақиқатдан ҳам мав-
жуд 9 та ҳаммада махсус
этиди. Бу отрядларга ке-
ракли техника, илчи кучи
ажратиб берилди. Улар кун
бўйи гўнг чиқаришда, Ҳо-
зирги кунда районда 37 та

транспорт трактори ва при-
цеп, 8 та ортувчи механизм
ва 11 та бульдозер шунга
сафарбар этилди. Жами 130
минг тонна маҳаллий ўғит
жамғариллиши белгиланган.
«Пенсиент», «КПСС XXVI
съезди» совхозлари ва
Свердлов номли колхозда
ташкил этилган механизатор-
лар отрядлари айниқса,
баракали меҳнат қилмоқда.



НИКАРАГУА ТАСЛИМ БЎЛМАЙДИ

МАНАГУА. 1. (ТАСС). Ут-
ган йил сандиночлар рево-
люцияси учун ўта оғир йил
бўлди. Бироқ АНШ агрес-
сиясининг ҳарбий, сиёсий
ва иқтисодий таъкидларига
қарамай, революцион ҳуку-
мат томонидан қўрилган
фавқулодда чоралар иқтисо-
дий ҳалонатдан қутулиб қо-
лиш имконини берди. Ника-
рагуа президенти Даниэль
Ортега халққа Янги йил му-
рожаотида шу ҳақда гапир-
ди.

Янги 1987 йилининг ҳам
сандиночлар революцияси
учун ўтган йилдаги каби
оғир келиши кутилмоқда.

■ ЛОНДОН. Англия пойтах-
тининг минглаб ишчилари на-
томиш уюштириб, қўчалардан
ишсизликка қарши кураш шн-
орлари ёзилган плакатларни
қўтариб ўтдилар. Англиянинг
ҳозирги ҳукумати кенг жамо-
атчиликнинг хоҳиш-иродасини
назар-писанд қилмапти. Бу-
гунги кунда маълумкида «ор-
тқича кишилар» сон 3,3 ми-
лион кишини ташкил этади.
Эртанги кундан эса умид йўқ.
Суратда: ишчилар намоийши
пайти.

Л. Пахомова фотоси.
ТАСС.

АНГОЛАДАГИ САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

ЛУАНДА. 1. (ТАСС). Ан-
гола тарихида иккинчи мар-
та Халқ ассамблеяси ва ма-
ҳаллий ҳокимият органлари-
га Луанда шаҳрида ўтказил-
ган сайловларнинг якуни
эълон қилинди. Аҳолининг
ҳамма элат ва социал қат-
ламлари вакилларида ибор-
рат жами 1820 киши депу-
тат қилиб сайланди. Улар-
нинг 15 проценти аёллар-
дир.

Пойтахт ҳамда Анголанинг
барча 18 вилоятида бўлиб
ўтган сайловлар, дейлади
милий сайлов комиссияси-
нинг баёнотида, демократия-
нинг мустақамлаш ва ривож-
лантириш, меҳнаткашларнинг
давлатни бошқаришга жалб
этишда муҳим босқич бўл-
ди.



Урўш давом этмоқда

БАҒДОД. 1. (ТАСС). Бош
ҳарбий қўмондонлиқнинг ха-
барига қараганда Ироқ ҳар-
бий ҳаво кучлари самолётла-
ри бир кеча-кундуз давоми-
да Фронтирнинг турли участ-
каларида 114 марта жанго-
вар учиб қилиб, душман-
нинг ҳарбий қўчалари ва те-
хникасига «таллофат етказди-
лар. Майсанининг шарқи,
Фронтир жанубий қаноти
ҳамда Фао секториди Эрон
позицияларини ўққа туттиш
давом этди. Бир неча ўн-до-
ри омборлари йўқ қилиб таш-
ланди, инженерлик ишпош-
лари яқсон қилинди.

Эроннинг узюмча отувчи
артиллерияси Басранинг ту-
рар-жой кўчаларини яна
ўққа тутди.
НИКОСИЯ. 1. (ТАСС).
Эроннинг махсус бўлинмала-
ри Ҳаж-Омран, Мариван ва
Сардашт районларидаги Ироқ
позицияларида 9 марта рейд
қилдилар. Фронтирнинг мар-
кази ва жанубий участкала-
рида отишмалар рўй берди.
12 артиллерия позицияси на-
кузатув постлари йўқ қилин-
ди. Ҳаво ҳужумидан мудо-
фа бўлинмалари Касра-
и-Ширин — Меҳран секторлар-
ида Ироқ вертолётларининг
разведка максавидати учу-
ларини йўқча чиқарди.

Область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

«БАҲОР» КИЗИ



ДУНЕДА касблар кўп. Уларнинг ҳеч қачон яхши-ёмони бўлмайдиган дейишади. Шу боисдан ҳар ким ўз касби сирларини пухта эгаллашга интилиши, мақсадга эришмоқ учун кўпроқ ўқиб-ўрганиши, ўз устида тинмай ишлаши керак. Мукарама Турғунбоева номидagi Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг ёш солисткаси Гавҳар Аминова ўз ижодида доим бунга амал қилишга интилади.

...Санъатга бўлган иштиёқ уни ўзбек хореография билим юртига етаклади. Рақснинг сеҳрли слами ўзининг бутун гузаллиги билан уни мафтун қиларди. Билим юртида у дастлабки сабоқни СССР халқ артисти Қундуз Миркаримовадан олиб, анча мураккаб бўлган ўзбек классик рақсларини мустақил ижро эта бошлади.

1977 йилда Гавҳар билим юрти муваффақиятли битириб, «Баҳор» ансамблига йўллама олди. Бу ерда у икки йилдан кўпроқ вақт давомида СССР халқ артисти, СССР ва Ҳамза номидagi Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати Мукарама Турғунбоева билан ҳамкорликда ишлади. Бу атоқли санъаткор — ёшларнинг жонқуяр устози билан бирга ишлаш Г. Аминова кўп наса берди. Еши раққоса хореогра-

фия билим юртида олган билимларини тобора мустаҳкамлаб, тақрибли ҳамкасбларидан ҳам кўп нарсаларни ўрганиб борди...

Мана, унинг ансамблга келганига ҳам салкам 10 йил бўлди. Бу давр ичида республикамиз ва Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида ўз санъатини намойиш қилди. Бундан ташқари, у ижодий коллектив сафида Финляндия, Франция, Англия, Мали, Мозамбик, Кипр, Австрия, Португалия сингари хорижий мамлакатларга сафарга чиқиб, у ерлардаги халқларнинг урф-одатлари, миллий анъаналари ва хореография санъати ютуқлари билан танишди, янги-янги рақс номерларидан ўрганиб қайтди. Жумладан, ўтган йили Японияда ўтказилган халқаро «Олтин ипек» фестивалида ўзбекистон ССР халқ артисти Малика Аҳмедова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Дилбар Юнусова, Роза Одамбоевалар билан бирга иштирок этиб, чет эллик санъат шайдолашининг олқишига сазовор бўлди. Шу билан бирга маъмур фестивалда иштирок этган хитойлик раққосалардан «Уйғурча рақс» ўрганди.

— Гавҳар — лирин раққоса, — дейди СССР халқ артисти Қундуз Миркаримова. — У ўзига мос рақсларни маҳорат билан ижро

этади. Ҳозирги кунда етти юздан ортиқ шоғирдим бўлса, улар орасида Гавҳар ўзининг тиришқоқлиги, ноқис ва жозиба ҳаракатлари, миникаси билан ажралиб туради. Энг муҳими, у тинимсиз изланишдан чўчимайди, пахтакор ва чорвадорлар, барча қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурида ҳисобот бериб боради. Ўзбекистон телевидениеси орқали бериладиган концертларда Г. Аминова элликдан ортиқ рақслар ижро этди. Шулардан ўндан зиёди унинг ўз номерлари ҳисобланади. Хусусан, истеъдодли раққосанинг тожикча «Сўғдиёна гўзали», «Бухороча рақс», русча, хоразмча, уйғурча рақсларини томошабинлар ҳаммаша зўр қизиқиш билан қарши олишади...

Дарҳақиқат, Гавҳар рақс тушатиётганда ўзининг ноқис ва жозиба ҳаракатлари билан ҳар бир нафосатга ошфта дилларни ром этади, қалбларда беихтиёр қувноқлик ва кўтаринки руҳ уйғотади.

Ўзбек рақс санъати ютуқларини хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилишда кўшган катта ҳиссаи учун Янги йил арафасида Гавҳар Аминова область Ленин комсомоли мукофотиغا сазовор бўлди. Биз ёш санъаткорни бу шарафли мукофот билан муборакбод этиб, унга янада улкан ижодий ютуқлар тилаймиз.

Х. СОВВОЛДИЕВА,
М. ХОЛБЕКОВА.

ХОТИРА
ХИММАТИ
БАЛАНД ЭДИ

Ҳозирги фаровон турмушнинг юзага келиши учун қанча-қанча кишилар жон фидо қилганлар. Меҳнатда қаҳрамонликлар кўрсатганлар. Уларнинг хотираси халқимизнинг тили ва дилида абадул-абад яшайди. Ана шулардан — ҳаётда ўз меҳнати билан ўлмас из қолдирган инсонлардан бири Ғани Ҳалилов эди.

Қишлоқда бу кишини танимаган, билмаган одам йўқ эди. Қайси бир хонадонда тўй ёки йилнинг бўлса, унинг йўқлиги. Кимнинг бошига мусибат тушса бу киши ҳам дард бўлар, кўлтигидан суярд. Чунки унинг ўзи ҳам ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошидан кечирганди.

У 1913 йил «Қирай» қишлоқда камбағал оилада туғилди. Ўша вақтларда камбағаллар учун кенг дунё тор, қоронғи зиндон эди. Бир парча нон учун эрта тонгдан кеч шомгача бойлар эшигига меҳнат қиларди. «Ҳозир бойнинг номи андиқ эсимда йўқ, — дея хотирлаганди Ғани ота. — Мен ёш болалигимдаёқ қорин тўйганиш учун унинг хизматини, оғир юмушларини қилардим».

Октябрь инқилоби кўплар қатори ёш Ғанига ҳам эркинлик берди. Ўқиб саводини чиқарди. 1929 йилги колхозлаштириш бошланди. Уларнинг ондаси биринчи қатори колхозга кирди. Кўп ўтмай Ғани Ҳалиловга юксак ишонч билдирилди. Уни қишлоқда комсомол ячейкасининг секретари қилиб сайлашди. Шу тариқа олдин деҳқон йигити 120 нафар сафдоши билан янги тузув қурилишида актив қатнашди. Комсомолнинг VII съезида делегат бўлди. Унинг тиришқоқлиги, ташилотчилиги, топирили-

ган вазиёфани виждондан бажариш билан эл ҳурмати қозонди. Шунинг учун ҳам 1937 йили унинг «Темир қандам» колхозига раислигига сайлашди. Бутун меҳнат фаолияти давомида коллектив аъзолари билан бамаслаҳат иш юритди. Натижада хўжалигининг қаддини тиклаб, унинг экономикасини мустаҳкамлашга эришди.

Мирзақўли ўзлаштириш даврида Ғани Ҳалилов биринчи қатори дашта отланди. Колхоздан 45 та хўжаликни чўлга кўчириб келди, колхоз ташкил этди. Дашту-бейбонларда боғу-бўстонлар барпо этди. Аммо 1941 йили фашистлар Германиясининг мамлакатимизга хиёнаткорона ҳужуми унинг қалбини ҳам ларзага келтирди. Энди бутун куч фронтни кўпроқ махсулот билан таъминлашга қаратилди. Колхозда эса аёллар ва қариялар, болалар қолган эди. Ғани Ҳалилов уларга шахсий намуна кўрсатиб меҳнат қилди. Унинг шахсий маблағини самолёт қурилиши учун жуънатди.

Ҳозирда Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи архивида унинг босиб ўтган ҳаёт йўлини ақс эттирувчи ҳужжатлар сақланмоқда. Шуларнинг орасида Давлат Муҳофаа комитетининг раиси номидан келган телеграмма ҳам бор.

Ғани ота ҳаётдан кўз юмган. Аммо фарандлари, ёру дўстлари, ҳамқўшқорлари уни доим яхши инъият билан ёд олади. Бу химмати баланд инсонга бир умр таъзимда яшайдилар.


Қ. КАРИМОВ,
Оржоникиде райони.

КИЧКИНТОЙЛАР
ҚУВОНЧИ

Наргиза ота-онаси ҳамда акаси Шерзод билан эндигона байрам дастурхони атрофида ўтирган ҳам эдики, эшик кўнгириги жиринглаб қолди. Югуриб бориб эшикни очди: не кўз билан кўрсинки, останада Қорбобо ва Қорқиз туришибди. Улар ичкарига кириб Наргиза ва Шерзодга совғалар ҳамда ширинликлар тақдим этишганда кичкинтойлар ўзларини эртанлар оламида ҳис қилдилар. Чунки болалар ҳақиқий Қорбобо ҳамда Қорқизни ўз уйларидан биринчи бор кўришга эди.

Дарвоқе, Янги йил байрамида катталар ҳам, кичкинтойлар ҳам мўъжиза содир бўлишини сабрсизлик билан кутишган эди. Ана шу мўъжизанинг рўёбга чиқишида «Ташкорпрокатразнобит» бирлашмасининг «Семуръ» маросимлар хизмати коллективи яқиндан ёрдам берди.

Л. ПИШЕНКО.



17... Ф:3! Амелий ўйинда қачонлардир пайдо бўлган энг мефтункор — гўзал шахмат комбинацияларидан бири бошланмоқда.

18. g1 Lg6+ 19. Kp1 Ch3 20. Ld1 Cg2+ 21. Kp1 Cif3+ 22. Kp1 Cg2+.

Ҳозир қоралар 22... Лg2 ўйнаб янада чиройлироқ галабага эришса бўларди. Бунинг ўзини кўриб чиқинг, азиз дўстлар.

23. Kp1 Ch3+ 24. Kp1 Cif2 25. F1 Cif1 26. Lf1 Lg2 27. Ld1 Lh6 28. d4 Cg3! Оқлар таслим бўлди.

Яна бир имкониятни текшириб кўринг. Қоралар 23... Ch3+нинг ўрнига 23. Cg4+ ўйнаса қалай бўларди!

Интермедия

ҚОР
ТАГИДА

Қоровул буднаси. Ченага ўхшаши қорватда қоровул пустинига ўрналиб мизибди. Гоҳо-гоҳо хуррак отиб, ҳуштак чалиб қўяди. Навбатчи келади. Ҳайрон.

МАМАТ: — Дадил... Ҳо, мулла Дадил!

ДАДИЛ: — [Уйғониб] Ҳа... келдингми?

МАМАТ: — Келдим [қулимсираб]. Уйқуни уриб ётибсан мана мана қилиб. Қоровул деган ҳам шунча бўладими, ухлагининг ухлаган. Қоровул деган сергак бўлади-да.

ДАДИЛ: — Сергак бўлиб, бу хувилаган майдонда нима мана ҳам пойлайди, киши!

МАМАТ: — Хато кетманг, мулла Дадил, бу — бўлажак ҳаммом! Бизга ишониб топширилган. Ҳўш, ҳисобли дўст ажралмас дейдилар. Қани, буюмларни қабул қилиб олам. Бошла, ромлар жойида-ми?

ДАДИЛ: — Жойида.

МАМАТ: — Қани, кўринма-япти-ку!

ДАДИЛ: — Қор тағиде.

МАМАТ: — Қор тағиде.

ДАДИЛ: — Оплонкаларчи!

МАМАТ: — Қор тағиде.

МАМАТ: — Цемента!

ДАДИЛ: — Етбиди, тоғдек уюлиб қор тағиде.

МАМАТ: — Ойначи, ойна!

ДАДИЛ: — Бутуни кетган, синиги қор тағиде.

МАМАТ: — Ҳўп, эшикларчи, эшиклар!

ДАДИЛ: — Гапингни қара, худди бу ерда юзта эшик бордай гапирсан-а. Уч яримта эшик турбиди. Қор тағиде.

МАМАТ: — Тўртта эди, ше-килли!

ДАДИЛ: — Нима совуқда ухлагининг ўзи бўладими!

МАМАТ: — Прораб суриштириб қолса, ёқиб юбордик деймизми?

ДАДИЛ: — Э, қизикмасан, бу қурилишни прораб аллақачон унутиб юборган экан. Кеча Ашир дангал билан ма-ош олгани борганимизда, прорабни кўриб қолдим. Ҳорма, болам десам, «Отахон, қўзимизга иссиқ кўриняпсизлар, сизлар билан қаерда кўришганимиз», дейди, не, қаерда бўларди, ўлим «Нокзор» маҳаллада қурилишни бошлаб, икки йил бўлди бормай кетдинглар. Биз ўша ерда қоравулмиз, десам, э... ҳа, анаву ҳаммом... ҳалим ўша ерда-мислар. Пойдевор турибди-ми, оббо отахонлар-ей! Ўша ерда экансизларда, дейди.

Қаерга борадик, ўша ерда-мизу, лекин ўлим кўмир ту-габ қолди, десам. «Ҳа, ўша эшик-пешик, ром-полларни ишлатаверинглар», дейди.

Ишлатавер. Дарҳақиқат, нам тортаган эшик ва ромлар нимага ярайди, қийшайиб аб-каш бўлиб ётибди.

МАМАТ: — Шундоғ дейсану... Аслида сен, мен, Ашир дангал бир эмас уч киши нимага маош оляпмиз. Сен ёққан эшик билан қор тағидан 12 та ром, 7 та оплавка ва гумбаз бўлиб ётган цементга маош оляпмиз. Ҳа, билиб қўй, Дадил.

ДАДИЛ: — Отагини тўлдириб эшик, ром дейишини қара. Буларнинг биронтеси ҳам ишга ярамайди-ку!

МАМАТ: — Ярайдики, ярамайдими, сен билан менинг вазиёфам — қоровуллик. «Пойла» дептими, пойлайми. Уни ёқиб битирсанг, нимани пойлаймиз?

ДАДИЛ: — Дарвоқе, гапингда жон бор, уни ёқиб битирсанг, нимани пойлаймиз!

МАМАТ: — Ҳа, баракалла...

ДАДИЛ: — Табба, эсимга тушса қулгим кистайди. Прораб бизни бутунлай эсидан чиқариб юборибди-я! Вой, хумперей...

МАМАТ: — Прорабининг эсидан чиқсак, чиқмасак зарари йўқ. Кассирнинг эсидан чиқмасак бўлгани!

[Кулишди].

Алп ЖАМОЛ.

Редактор ўринбосари

С. Ғ. МУСАЕВ.

МАРОҚЛИ ДАМ
ОЛИШ УЧУН

Паркент районидagi «Ленинбод» совхозида фойдаланишга тоширилган янги клубда ўтказилган машғулотлар тобора гавжум бўлмоқда. Бу ерда 165 томошабинга мўлжалланган зал ҳам ишга тушди. Райондаги бадий ҳаваскорлик коллективлари иштирокидаги концертлар хўжалик меҳнаткашлари томонидан илқ кутиб олинмоқда. Айни пайтнинг ўзида совхознинг «Дилрабо» бадий ҳаваскорлик коллектив янги концерт программаларини тайёрлаб, деҳқонларни хушнуд қилмоқда.

Хўжаликда стадион қуриб битказилган, футбол, волейбол, стол теннис, гимнастика, югуриш майдончалари яратилди. Шу сабабли ҳам физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланувчилар 500 кишидан ортиб кетди.

— Бу ердаги тўғаракларда физкультура ва спорт билан шуғулланаётганлар турли касб эгаларидир, — дейди хўжалик физкультура инструктори Р. Ражаматов. — Уларнинг ёшлари ҳам, қизиқишлари ҳам турлича. Лекин машғулотларни ҳар бир гуруҳа қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уюштиришимиз ўз самарасини беришти: тўғаракларга келиб ёзлаётганлар қўямқоқда.

А. ФАТТОВ.

ШАНБА САҲИФАСИ

● ТОШКЕНТ шаҳридаги Охунбобоев номли маданият уйида бир қанча тўғараклар ва ансамбллар фаолият кўрсатмоқда. Суратда: Дуторчи-

лар ансамбли қатнашчилари (чапдан ўнгга) Ҳилола Расулова, Лобар Тилланазарова, Дилфуза Абдужабборовалар.

А. Тўраев фотоси.

МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРИ

2000
ЙИЛЛИК ТАНГА

ҲАМЗА номли санъатшунослик институти ҳузурида музей қадимий тангалар коллекцияси билан бойлиги. Бу тангалар Термиз лавинидаги Кампиртепада ўтказилган археологик қазималар чоғида топилади. Мутахассислар энг қадимий танга бундан икки минг йил олгари зарб қилинган, демакдалар. Тангада Апполоннинг боши тасвирланган бўлиб, Грек-Бактрия шоҳи Евтедемнинг номи аниқ

сақланиб қолган.

Институт музейида қушоналар даври ва бошқа даврларда зарб қилинган жами икки юзтадан ортиқ ноёб танга тўпланган. Уларни ўрганиш Ўрта Осиё қадимий шаҳарларининг маданият ва иқтисодий ҳаётининг янги саҳнафаларини очишга кўмаклашади.

(ЎзТАГ мухбири).



АФГОНИСТОН УЧУН ОРКЕСТР

Янги йил арафасида Қобулда юборилган музика асбобларидан замонавий оркестр тузиш мумкин. Афғон рубоблари ва доиралари, дуторлари ва сурнайлари анъанавий нақшлар, безак

тошлар ва қумуш билан безатилди. Уларни Ўзбекистон халқ усталари Т. Усмонов ва Ғ. Ҳидоятлов тайёрладилар.

Улар дўст мамлакатнинг амалий санъатини ўрганиб

кутубхоналарнинг фондларида синчиклаб ишладилар, санъатшунослар билан суҳбатлашдилар. Созлар учун махсус «музика» ёғоч — Сибирь резонанс тилоғоч танлаб олинди. Безак тошларни эса грузиялик ҳамкасблар юбордилар.

(ЎзТАГ мухбири).


ОЗ-У СОЗ ЎЙНАГАН...

5-САЙР

га асосий талабгорлардан Л. Паульсеннинг тор-мтор этиб, дадил биринчи ўринни эгаллади.

Бироқ бу муқаддима эди, холос. Нью-Йоркда ўйналган 100 партиядан Морфи атиги бештасини бой берди, холос!

Морфи оша шахри Янги Орлеанга қайтиб келган, Стаунтонга таклифнома юборади.



Лекин рад жавоб келади. Шундан сўнг Европада йўл олади. Лондон. Унинг таклифига кўнгаларининг ҳаммаси би-

рин-кетин маҳа этилди. Бироқ тобе этилмаган яна битта шахмат маркази қолган эди. Морфи ўша ёққа, яъни Парригга жўнади.

Англияни тарк этишдан олдин Морфи Бирменгем шахрида саккиз тахтада бир йўла гойибона, яъни ҳошалару доналарин кўрай севан берди. Бу томошабинларнинг ҳайратда қолдириди. Илгари бу ерда эдлар. Морфи 6 ўйинни ютди, биттасини ютказиб, биттасини дуранг қилди.

Парриг. Яна бирин-кетин голиблар. Ҳеч ким унга бас келолмади. Яна битта муносиб рақиб бор. У Германияда яшайди — Андерсен.

ПАУЛЬСЕН — МОРФИ

Матчинг 6-партияси, Нью-Йорк, 1857.

1. e4e5. 2. Kf3 Cc6 3. Kc3 Kf6 4. Ch5 Cc5 5. 0-0 0-0 6. Kc5 Lc8 7. Kc6 dс 8. Cc4 b5.

8. Kc4 тоға, чунки 9. Kc4 Lc4 10. C:f7+Kp7 11. Ff3+ 9. Ce2 Kc4 10. Kc4.

10. Cf3 межбурий ютказишга олиб боради. 10...Kf2 11. Lf2 Qd4 12. Kc4 (12. Fd1 бўлса, 12...Ф:f2+! 13. Ff2 Lf3) 12...Lc4 13. Cc4 Ff2+ 14. Kp1 Cg4 15. Cf3 Lc8.

10...Lc4 Cf3 Lc6 12. c3 Fd3! 13. b4 Cb6 14. a4 b4 15. Fd3 Cd7 16. La2 Lc8 17. Fc6.

Оқларни ажабтовор комбинацияни кўрай қолганликда айблаб бўлмайди. Лекин ҳар ҳолда (17... c5 дан сўнг қораларнинг ўйини яхшироқ бўлиб қолса-да).

17. Fd1 ягона тўғри юриш бўлса керак (В. Стейниц).

БУ ҚИЗИҚ!

ОЛМАНИНГ
ХОСИЯТИ

● КЎПЧИЛИК олимлар олмани склерознинг олдини олувчи вазита деб ҳисоблайдилар. Француз кардиологларининг тадқиқоти бу фикрни яна бир бор тасдиқлади. 90 нафар кишидан иборат кўнгиллиларда тақриба ўтказилди. Уларнинг ҳар бирига танаули қилиш учун узок муддат давомида кунига муттасил 300 граммдан олма берилди. Бу кишилар қонида холестериннинг тўпланishi анча қисқарди.

ЗАЙТУН МОЙИ
ВА
САЛОМАТЛИК

● ИТАЛИЯ ва Грециянинг жанубий районлари аҳолиси юрак ва қон-томиларни касалликлар билан нисбатан кам оғрийдилар. Бу, асосан, зайтун мойини рўзгорда кўпроқ ишлатиш натижасидир, деб ҳисоблайдилар. Унинг организмда холестерин даражасини камайтиришга ёрдам берувчи фойдалан моддалари

бор. Кубанда етиштирилаётган лисанинг янги — «салат учун» деган навларидан тайёрланган мой ҳам худди шундай хусусиятга эгадир.

ЯНА
«ҚОР ОДАМ»
ҲАҚИДА

● «АВВАЛИГА мен уни дароҳт орқасидан чиққан эк деб ўйладим», — ҳикоя қилди италиялик альпинисти, жаҳонда билиниги бўлиб Ҳимолай тоғидаги беландлиги саккиз минг метрдан ошқ бўлган барча ўн тўртта чўчига чиққан Рейнхольд Месснер.

Бироқ у на, яқ, на майму, на инсон эди, худди қайиш қўйгандек йетининг ўзи эди. Тибетда яшовчи шерплар қор одами шундай деб аташади. Месснер уни 4200 метр баландликдаги Тибет ясси тоғлиги участкасида учратган. Машҳур альпинист йети икки метр гавдали, оёқлари калта, улкан панжани, гавдасининг бетидан ташқари ҳамма қисми ўсиқ жун босган деб тасдиқлайди. Йети инсонни кўриб орқасига қайтди-да, тез орада кўздан гойиб бўлди.

М. МУҲИДИНОВ ТАҲРИРИ
ОСТИДА

Пол Морфининг (1837 йил 22 июнда туғилган) қобилияти шахматчи эканлиги тез намоён бўлди. У шахмат билан ўн ўнча танишди. Албрехт устида — отаси Лоренц Морфини. Орадан бир ярим йил ўтмаёқ шоғирд устозларини осонгина енга бошлади. Морфининг истеъдоди биргина шахматда намоён бўлмади. Кучли хотирали Морфига қоллежда, сўнгра университетда фанларни ўзлаштириб, адвокатлик дипломинини олиш учун бор-йўғи 2 йил кийоғ қилди. 1857 йил ҳаётида бурлиқш палласи бўлди. Кузда Нью-Йоркда 1 Америка шахмат конгресси бўлиб, унда Қўшма Штатларнинг 16 нафар энг кучли шахматчиси қатнашди. Иштирокчилар сафида Пол Морфи ҳам бор эди. Рақибларини осонгина ютиб чиққан Морфи финал бэхсда биринчи соврин.

ТОШКЕНТ
ҲАКИКАТИ

«Ташкентская правда»

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТ